



О'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил "16" \_\_\_\_\_  
№ 1103

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор тумани Боғолон қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) худудидан "YANGIBOZOR GO'SHT-SUT MAHSULOTLARI" МЧЖга "Чорвачилик комплекси" қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, "YANGIBOZOR GO'SHT-SUT MAHSULOTLARI" МЧЖ раҳбари Ражаббоев Руслоннинг туман ҳокими номига, Янгибозор тумани Боғолон қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) худудидан "YANGIBOZOR GO'SHT-SUT MAHSULOTLARI" МЧЖга "Чорвачилик комплекси" қурилиши учун ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган ёзишмасини, Янгибозор тумани Боғолон қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ)нинг батафсил режалаштириш лойиҳаси (БРЛ)ни эътиборга олиб, Вилоят қурилиш бош бошқармасининг, Вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг, туман Фавқулодда Вазиятлар бўлимининг ва туман СЭОМнинг ушбу объект қурилиши юзасидан ижобий хулосаларини, қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича тузилган далолатномани ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор тумани Боғолон қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) худудидан "YANGIBOZOR GO'SHT-SUT MAHSULOTLARI" МЧЖга "Чорвачилик комплекси" қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Янгибозор тумани Боғолон қишлоғида ташкил этилган кичик саноат зонаси (КСЗ) худудидан "YANGIBOZOR GO'SHT-SUT MAHSULOTLARI" МЧЖга "Чорвачилик комплекси" қурилиши учун қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ерлари тоифасига кирмайдиган ердан 5,5 га. (55000,0 кв.м) ер майдони ажратилсин.
3. Буюртмачи "YANGIBOZOR GO'SHT-SUT MAHSULOTLARI" МЧЖга қуйидагиларни:
  - архитектура-режалаштириш топшириғини ишлатиш учун мурожаат этиш;
  - тегишли тартибда қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлатиш ва тасдиқлатиш;

